# ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР

Р.Имомов

*В статье рассматривается роль и место реформы судопроизводства в строительстве демократического правового государства.*

*In clause the role and place of reform of legal proceedings in construction of a democratic lawful state is considered.*

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари юзасидан олиб борилаётган ҳолатларни ёритишга ўтишдан аввал Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ: “Суд ислоҳотларини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир.

Ижтимоий турмушимизнинг демократик институти тариқасида суднинг аҳамияти жиддий оширилиши зарур.

Фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш судларнинг ва ҳуқуқ тартиботни муҳофаза қилиш органларининг фаолиятида асосий мазмунга айланмоғи лозим.

Суд жазоловчи органдан оддий одамларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи органга айланиб, ҳақиқатдан ҳам мустақил бўлиб қолиши лозим”[1].

Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан, энг аввало, асосий қонунимиз — Конституцияни қабул қилиш масаласи кун тартибига қўйилди: 1992 йил 8 декабрда ўзимизнинг урф-одатларимиз, менталитетимиз, тарихимиздан келиб чиқиб ва Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларига мос келувчи Конституциямиз қабул қилинди. Конституциямизда ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилига асосланган ҳолда суд алоҳида мустақил ҳокимият, яъни суд ҳокимияти даражасига олиб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 106-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади, деб белгилаб қўйилди. Шунга асосланиб, ҳозирда ҳам республикамизда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жадаллик билан олиб борилмоқда. Кейинги йилларда судларни такомиллаштиришга қаратилган бир қанча Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари, қонунлар қабул қилинди.

Жумладан, 1995 йил 30 августда “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”, 1999 йил 23 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судини ташкил этиш тўғрисида”ги Президент фармонлари, 1993 йил 2 сентябрда “Судлар тўғрисида” Қонун қабул қилиниб, 2000 йил 14 декабрда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда 164-11 сонли “Судъялар малака ҳайъатлари тўғрисида”ги, “Суд ходимларининг малака даражаси тўғрисида”ги, “Ҳарбий судлар фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Низомларга қўшимчалар ва ўзгартиришлар тўғрисида”ги Қарорлари қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 23 сентябрдаги 383-сонли “Ўзбекистон Республикаси судлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 мартдаги Қарори билан судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлашни такомиллаштириш, судлар мустақиллигини таъминлаш, шунингдек, суд қарорларини ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган Адлия Вазирлиги ҳузуридаги судлар департаменти “Суд қарорини ижро этиш, судлар

фаолиятини моддий техника жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти” сифатида қайта ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги “Судъяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссияси” ташкил этилди. Мазкур Фармонга кўра ташкил этилган комиссиянинг янги таҳрирдаги Низоми тасдиқланиб, комиссия зиммасига судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан, барча бўғиндаги судъяларни танлаш ва лавозимига тақдим этиш вазифалари юклатилди. Айниқса, Президентимиз Фармони билан 2001 йил январдан судларнинг ихтисослашуви суд ислоҳотлари жараёнида ва жамиятимиз тарихида жуда катта аҳамият касб этди. Чунки бу ҳолат жиноят ва фуқаролик ишларининг ўз вақтида кўрилиб, объектив ҳал қилинишига, қонун устиворлигининг оғишмай амалга оширилишига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги Фармони жиноятга оид сиёсатда, ҳуқуқни қўллаш амалиётида туб ўзгаришлар ясаб, мамлакатда ижтимоий-сиёсий, криминоген вазиятга ижобий таъсир кўрсатди[2].

Мустабид давр судъяларининг иш олиб бориш тамойилларини олиб қарасак, ўша давр судлари фақат жазоловчи орган сифатида намоён бўлади. Уларнинг мустақил ҳолатда иш олиб бормаганликлари, сиёсий партия ва юқори лавозимдаги амалдорлар тазйиқи остида иш олиб борганликлари, бунинг оқибатида инсон ҳуқуқлари поймол бўлиб келганлиги кўринади. Ҳатто, носудлов органлари томонидан инсонларга жазолар бериш ҳолатлари юз берган. Мисол тариқасида 1930-1950 йилларни олиб қарасак, собиқ шўролар даврида носудлов органлар томонидан кўплаб фуқаролар асоссиз жиноий жавобгарликка тортилган, ҳатто, шундан 786098 нафар шахсга ўлим жазоси берилган[3]. Шунингдек, 1983-1989 йилларда “пахта иши” баҳонасида 4,5 минг киши жавобгарликка тортилган, улардан 3,5 минг нафари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидани оқланган. Бундан кўринадики, ўтмишда суд тармоғининг етарли даражада адолатли иш олиб бормаганлиги оқибатида қанчадан-қанча шахслар, ҳамюртлармиз сиёсий қатағон қурбонлари бўлган. Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, Президентимиз И.А.Каримовнинг ташаббуси билан сиёсий қатағон қурбонларини реабилитация қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Буни шундан ҳам кўрсак бўладики, агар 1955-1959 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2850 киши оқланган бўлса, кейинги йилларда яна 5200 киши оқланган[4].

Мазкур ҳолатлар ҳисобга олиниб, жамиятимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини яна жадаллаштириш мақсадида мамлакатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббуси билан жиноий жазолар либераллаштирилди. Оқибатда Республикамизда 2000 йилда озодликдан маҳрум этиш жазоси 47% ни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу ҳолат 28% ни ташкил этди, 72% ига судлар томонидан муқобил жазо турлари қўлланилди[5].

Шунингдек, мамлакатимизда суд ислоҳотларининг олиб борилиши жамиятда жиноятчиликнинг кескин камайишига олиб келди. Рус ҳуқуқшунос олими В.В.Лунеевнинг “Преступность XX века. Мировые, региональные и российские тенденции» номли асарида таъкидланишича, Ўзбекистонда жиноятчиликнинг ўртача даражаси 1986-1992 йилларда 28,8 % га ошган бўлса, 1993 йилдан бошлаб жиноятчилик камая борган: 1993 йил 3,9 % га, 1994 йил 18,8 % га ва 1995 йил 8,9% га камайган. Умуман олганда, 1990 ва 2002 йилларни солиштирадиган бўлсак, бу фарқ 1986 йилдаги вазиятга нисбатан 121,2 % дан 106, 2% га камайганини кўришимиз мумкин. Яъни 12 йил ичида 15% га камайган[6].

Албатта, суд ислоҳотлари даврида жиноят учун жазо масалалари муҳим ўринни касб этади. Бу борада давлатимиз раҳбари И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида сўзлаган маърузасидаги қуйидаги ҳолатларни эслаш жоиз деб ҳисоблаймиз: “Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазоларнинг жиноятчиликнинг олдини олишдаги

аҳамиятини ошириб кўрсатиш ўринсиз эканлигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки, биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ."[7].

Юқоридагилардан кўринадики, жамиятимизда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг олиб борилиши суд ҳокимияти тизимининг мустаҳкамланишига олиб келади, бу эса фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Каримов И. За безопастность и мир надо бороться. http:/ 2004. press-servise.uz/rus/knigi 9 tom/10tom list/htm
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси.- 2005.- 8-сон.- 292-модда.
3. Рустамбоев М. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари. Дарслик.- Т., 2005.
4. Мингбоев У. Суд — фуқаролар ҳимоячиси.- Т., 2001
5. "Давр" кўрсатувидан олинган маълумот.- 2007.- 25 январь
6. Лунеев В.В. Преступнось XX века. Мировые, региональные и российские тенденции.- М.:Волтерс Клувер, 2005
7. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ VI сессиясидаги маъруза.- Т.,2001

*Андижон давлат университети,*
*2009 йил 5 майда қабул қилинган*
*(Тақризчи: проф.Й.Раҳимов)*